


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Ўзтрансгаз» АЖ ҳузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**  
**Н.Игамбердиев**  
**“ 457 ” 01 2025й**

**“Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгашининг**  
**2025-йил 1-чоракда амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш**  
**баёни № \_\_\_\_\_**

**2025-йил 15-январ**

**Тошкент ш.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши иш режасининг муҳокамаси.
2. “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши 2025-йил иш режасини тасдиқлаш.

**Раислик қилди:** Н.Игамбердиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Равшанова,  
Л.Шарипова, С.Эгамбердиев, С.Осадчая,  
Ш.Абдуллаева, Ф.Донияров

**Таклиф қилинганлар:** М.Норматова

“Ўзтрансгаз” АЖ Жамоатчилик кенгашининг раиси Н.Игамбердиев нўтқи билан йиғилиш очилди.

Н.Игамбердиев ўз нутқида “Ўзтрансгаз” АЖ Жамоатчилик кенгаши томонидан 2025-йил амалга оширилиши белгиланган ишлар ҳамда вазифаларни белгилаш масалалари ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, 2025-учун иш режаси лойиҳаси билан Жамоатчилик кенгаши аъзоларини таништириб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши барча аъзолари Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил учун иш режасини кўриб чиқишини, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришини, шунгдан сўнг муҳокама яқунланишини ҳамда иш режасини тасдиқланишига ўтилишини айтиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси Л.Шарипова иш режасини муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари, жамоатчилик кенгаши ҳар бир аъзоси кенгаш фаолиятида фаол иштирок этишини лозимлигини билдириб ўтди.

Шу билан Жамоатчилик кенгаши аъзолари иш режани кўриб чиқишди, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди, иш режа лойихаси бўйича таклифлар ва мулоҳазаларини айтиб ўтишди. Кенгаш томонидан билдирилган фикр мулоҳазалар ва таклифлар кўриб чиқилди.

Кенгаш раиси кенгаш аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 14-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан иш фаолиятини давом эттириш кераклигини билдириб ўтди.

Жамоатчилик кенгаш раиси Н.Игамбердиев муҳокама ва таклифларни инобатга олган ҳолда кенгашнинг 2025 йил учун тузилган иш режасини тасдиқланишини сўради. Кенгаш аъзолари бир овоздан иш режани тасдиқлашди. Қаршилар ва бетарафлар йук.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши кун тартибига доир масалаларни атрофлича муҳокама қилиб қарор қилади:

1. “Ўзтрансгаз” АЖ Жамоатчилик кенгаши 2025-йил иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзтрансгаз” АЖ Жамоатчилик кенгаши 2025-йил иш режасида белгиланган масалалар ўз вақтида бажарилиши таъминлансин.

**Баённомани  
расмийлаштирди:**



**Ф.Донияров**